

“КУЛМОҚ” СЎЗИ СИНОНИМИЯСИНинг СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бахридинова Эътиборхон Адаҳамовна
Андижон давлат университети
E - mail : etiborbaxridinova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада биз ўзбек тилидаги қулгини билдирувчи сўзларнинг маънолари ҳақида мулоҳаза юритамиз. Тилшуносликда қулгини мулоқот назарияси, дискурс ва семантик таҳлили доирасида кўриб чиқиш мумкин.

Kalit so‘zlar: Семантика, қулги, синонимик қатор, майдон, ҳодиса, маъно.

SEMANTIC FEATURES OF THE SYNONYMY OF THE WORD “LAUGH”

ABSTRACT

In this article, we will consider the meanings of the words denoting laughter in the Uzbek language. In linguistics, laughter can be considered within the framework of communication theory, discourse and semantic analysis.

Key words: semantics, laughter, synonymous series, field, event, meaning.

Ўтган асрнинг 70–йилларида асосий эътибор лингвистик бирликлар семантикасини ўрганишга қаратилди. Натижада фоносемантика, лексик семантика, морфосемантика, синтактик семантика йўналишлари майдонга келди. Семантика лисоний белгиларнинг маъносини урганувчи таълимотdir. Семантика термини грекча бўлиб “ифодаловчи” маъносини англатади (*semantikos*). Семантика тилшуносликнинг мураккаб, кенг қамровли соҳаларидан бири булиб, у фалсафа, мантиқ, математика ва қатор бошқа соҳалар билан узвий боғлангандир. Бу соҳада лексик бирликларнинг маъноси ўрганилади.

Маълумки, дунёнинг лисоний манзараси унинг концепцуал ва илмий манзарасидан фарқ қиласи. Ўз навбатида, дунёнинг лисоний манзараси маълум бир тилга боғлиқ ва шундан келиб чиқиб, ҳар бир тилда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Техник жиҳатдан, у ёки бу тилдаги сўзлар сонида торроқ айтганда, ҳар бир сўзнинг маънолари сонида ифодаланади. Бирон тилда, маъно оттенкалари лексиклаштирилади ва бир қатор лексик бирликлар билан ифодаланади, бошқа бир тилда хам шу бир хил маънолар мавжуд, аммо улар ушбу синф лексик

бирликлари рамкасида лексиклаштирилмаган ва кўшимча сўзлардан фойдаланиб тавсифланган тарзда узатилади.

Ушбу мақолада биз ўзбек тилидаги кулгини билдирувчи сўзларнинг маънолари ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Тилшуносликда кулгини мулоқот назарияси, дискурс ва семантик таҳлили доирасида кўриб чиқиши мумкин. Тилшунос олимларнинг тадқиқотларида кулги, авваламбор унинг маълум бир тилда ифодаланишининг ўзига хосликлари жиҳатидан ўрганилади. Кулги – бу кўплаб илмий билимлар: психология, психиатрия, социология, маданиятшунослик ва лингвокултурология, тарих, этнология ва бошқа соҳаларнинг диққат марказида бўлган ҳодиса. Чунончи кулгининг сабаби инсоннинг психологик ва ҳиссий ҳолатидир. Кулмоқ новербал жараёнлар хўрсиниш, йўталиш, ҳидлаш, йиғлаш ва ҳатто сукунат билан билан бирга фаннинг турли соҳаларида, жумладан, тилшуносликда ҳам анчадан буён ўрганиб келинмоқда [1:37 – 43].

Сўз тил системасининг энг кичик ва мустақил бирлиги бўлиб, унинг бир шаклида бир неча маъно мужассам булиши мумкин. Ўзбек тилшунослигига лексеманинг мазмун томони, асосан, семема, лексик маъно атамалари билан номланади. Лексик маънонинг қуйидаги бир–бирига боғлиқ бўлган сигнификатив, денотатив, структур, эмотив қирралари мавжуд бўлиб, улар маълум бир ҳодисани, объектни турли нуқтаи – назардан тавсивлайди. "Сигнификатив маъно воқеликнинг маҳсус лисоний инъикоси бўлса, структур маъно унинг тил системасидаги ўрнини белгилайди, эмотив маъно ифодаланаётган нарсага эмоционал–экспрессив муносабатни билдиради, денотатив маъно эса лугавий бирликнинг аниқ нарса ва ҳодиса билан шартланганлигини кўрсатади." [2:30]

Демак сигнификатив маъно белгининг бошқа бир лексик бирликдан фарқланиши учун тушунчадан маълум бир белгиларнинг танлаб олиниши билан юзага чикади. Денотатив маъно муайян нарса ёки ҳодисани ифодалайди. Структур маъно эса, лексик бирликнинг тил системасида тутган ўрнини белгилайди. Эмотив маъно услубий бўёкли сўзлар ёрдамида сўзловчининг ифодаланаётган нарса ҳодисаларга бўлган муносабатини кўрсатади ва тилшуносликда коннотатив маъно деб ҳам юритилади.

Кулмоқ, илжаймоқ, жилмаймоқ, тиржаймоқ, иржаймоқ, иршаймоқ, ишшаймоқ, хаҳоламоқ, хиҳиламоқ, ҳеҳеламоқ, қаҳқаҳламоқ, пиқирламоқ, қиқирламоқ сўзлари маъно жиҳатидан таҳлил килинадиган бўлса, бу сўзлар лексик маънолари бир–бирига жуда яқин. Улар ўзаро семантик қаторни таркиб топтиради. Лекин бир синонимик қатор бўла олмайди. Чунки семантик синонимларда сўзлар айрим лексик маъноси билан тўлалигича бир хил

бўлмайди. Шу лексик маънолар эмоционал-экспрессив, услубий семалари, уларнинг қайси услугга хослиги кабилар билан ўзаро, шубҳасиз, фарқланадилар. Аммо бу лексик маънолар асосида айни бир сигнификат, айни бир референт ётади. “Булардан илжаймоқ, жилмаймоқ, тиржаймоқ, иржаймоқ, иршаймоқ, ишшаймоқ феъллари лаб ва кўз мускулида шодлик аломати пайдо килмоқ лексик маъноси; кулмоқ, хаҳоламоқ, хиҳиламоқ, ҳеҳеламоқ, қаҳқаҳламоқ феъллари шодлигини (билдирувчи овоз бермоқ лексик маъноси билан ўзаро бир хил, синонимик қаторни таркиб топтирган.” [3:196 – 197] Яъни ўзаро лексик маъно яқинлиги эмас, бир хиллиги сўзлар синонимияси учун асос бўлади..

Кулмоқ сўзи кулмоқ феълининг денотатив маъноси хисобланади. **Кулимсирамоқ, жилмаймоқ, илжаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ, иршаймоқ** сўзларининг синонимик қаторидаги барча лексемалар битга умумий « лаб ва кўз мускуллари харакати билан кулгуни ифодаламоқ » сигнifikativ маънога эга. А.Хожиев луғатида келтирилганидек, ушбу феъллар мавжуд борлик предмет – ходисаларининг таъсири, муайян руҳий (хиссий) холатда бўлиш натижасида инсоннинг овозсиз, яъни лаб, куз харакати билан кулги ифода килиш, жилмайиш, мийигида кулиш каби холатини англатади [4:97]. Бу феълларда кулмоқ феълининг физиологик холати кузатилади "Кулмок мантикий ифодали холат феъллари, асосан, инсон, баъзан хайвонга хос жисмоний жараён холатни ифодалайди." [5:97]

Лекин юқоридаги феълларнинг синонимик қатор элементлари эмотив маънога эгалиги билан фарқланади. Масалан: Жилмаймоқ феъли ижобий маъно ифодалайди. Жилмаймок – ёкимли табассум, илжайиш холатида булмок:

- Опа! Шу ерда тушасизми? Мунисхон чўчиб, бошини кўтарди.
- Вой, келдикими? - деди у кўзларини пирпиратиб.
- Сквердамиз, — тушунтириди шофёр.
- Ухлаб қолибман, — қиз уялинқираб **жилмайди**. (Ў.Умарбеков.)

Илжаймок – жилмайиш холатида булмок;

Эшон менинг елкамга қоқиб, duo қилди ва муғамбир кўзларини қисиб **илжайди**. (Faafur Fулом).

Жилмаймок сузи ижобий буёкка эгалиги, кушимча "ёкимли" белгисига кура етакчидир. Яъни жилмаймок "нозикрок, нафисрок кулги" эканлиги билан мустакилдир. Бу изохга киёсан олганда илжаймок сузида сал салбий буёк бордек. Илжаймок сузида белги даражаси кулимсирамоқ сўзига нисбатан ортиқ. Кулимсирамоқ хиссий муносабат жихатдан бетараф. Кулимсирамоқ - илжайгандамо холатда булмок:

Махдумнинг ташбиҳидан Анвар ва Раъно **кулишдилар**. Сўзни жойида ишлаткани учун бўлса керак, махдумнинг ўзи ҳам **кулимсиради**.(А.Қодирий).

Жилмаймоқ ижобий коннотатив маънога, **илжаймоқ**, **иршаймоқ**, **тиржаймоқ**, **ишишаймоқ** эса салбий коннотатив маънога эга. Салбий коннотатив маънога эга синоним лексемалар ҳам ўзаро салбийликнинг даражасига кўра фарқланади. Масалан, илжаймоқ синонимида салбийлик даражаси кучсизроқ бўлса, тиржаймоқ лексемасидаги салбийлик эса кучлироқдир. Ижобийлик ёки салбийликнинг ошиб ва аксинча камайиб бориши асосида синонимик қатордаги лексемалар даражаланиши мумкин. Масалан: **Кулимсирамоқ**, **жилмаймоқ**, **илжаймоқ** сўзларида ижобийлик даражаси ортиб борса, **тиржаймоқ**, **ишишаймоқ**, **иршаймоқ** сўзларида салбий маъно ортиб боради.

Иржаймок- ёкимсиз, масхараомуз қулиш ҳолатида булмок:

– Тўғри қиласиз, – маъқуллаб бош ирғади меҳмон. – Биздагиларни ҳасибдан фарқи йўқ. Менам чимкентлик қадрдонлардан опкеламан, – кейин, мийиғида **иржайганча** киборланди.. (Анвар Обиджон.)

Ишишаймоқ – совук, ёкимсиз кулги ҳолатида булмок: Оймаматнинг кўзлари яна муғамбирона милтираб, хотинига сирли **ишишайди**:— Курвана қулингга айтдим—ку, бузоқни сўроқ қиласман, деб.. (Анвар Обиджон.)

Иршаймок — тиржайиш, масхара, мазах килган, кулги ҳолатида булмок: Қачон караса, куйдирган каллага ухшаб, **иршайгани** — **иршайган** (Ф.Мусажонов).

Бу семантик груп феъллари ўзининг градуал даражасига эга бўлиб, улар белги даражасининг ортиклиги, кучлилиги билан ажралиб туради. Улардаги маъно фарқи қўшимча буёғига, инсонда салбий муносабат уйготиш" даражасига кўрадир. Яъни салбий буёқ **иржаймок** сўзига нисбатан **тиржаймок** сузида, тиржаймок сузида иржаймок сўзида, иршаймок сўзига нисбатан ишишаймок сузида ортикроқ. **Ишишаймоқ** сўзида салбий буёкнинг ортиклиги ундаги қўш ундош билан боғлиқдир [5:96—98]

Хахоламоқ, **хихиламоқ**, **қаҳ - қаҳ отмоқ**, **хохоламоқ** феъллари кулмоқ сўзининг градуал даражасини белгилайди, яъни товуш баландлиги ва тезлиги жиҳатидан ифодаланади. Масалан: **Хахоламоқ** – қаттиқ овоз чиқариб кулмоқ. Темур Малик **хахолаб** қулиб юборди.(Мирмуҳсин. б) [6:392]

Хихиламоқ – “Ҳи – ҳи” деган товуш чиқармоқ.(енгил кулгида) Нега хихилайсан.—Бу гап мулла Аброрга таъсир қилди шекилли, ҳихилаб қулиб юборди. “Муштум” [6:540]

в) **Хандон отмоқ...**

г) **мийиғида кулмоқ**, **истехзоли кулмоқ**, **баралла кулмоқ**, **юракдан кулмоқ**, **қийқириб кулмоқ**, **бақириб кулмоқ**, **қотиб кулмоқ**, **ичида кулмоқ** сўз бирикмалари эса кулмоқ сўзининг физиологик ҳолатини билдиради. Яъни лаб ва оғиз ҳаракатидаги, кўздаги ўзгаришларини билдиради.

Шундай қилиб, феълларнинг семантикасини таҳлил қилиш "кулги" компоненти ичидаги семантик маъноларнинг бундай бойлигини кўрсатди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР: (REFERENCES)

1. Гусева О. А. Анализ семантики глаголов смеха. Вестник МГЛУ. Выпуск 22 (733) / 2015 190 ст.
2. Ҳакимова. М. Семасиология. Ўқув қўлланма. Тошкент 2008. www.ziyouz.com kutubxonasi. 100 б.
3. Миртожиев. М. Ўзбек тили семасиологияси. Тошкент ««Мумтоз сўз» 2010. www.ziyouz. com kutubxonasi 288 бет .
4. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. “Ўқитувчи нашриёти”. Тошкент – 1974. 308 бет.]
5. Расулов. Р. Атиязов. С. Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети. Тошкент 2012. www.ziyouz.com kutubxonasi 141 бет.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент.